

Хайрлаша туриб ишга Чорлади

Парламентимиз ўзининг жуда ҳам мураккаб бир босқичдаги ишини ўн бешинчи сессиясида якунлади. Олий ҳокимиятимиз кейинги бир неча йил ичида мамлакат миқёсида олиб борилган ишларнинг ҳулосасини чиқарди. Хулоса кенг, қамровли бўлди. Эҳтимол у мамлакат ҳаёти, давлат сиёсати ва фуқаролар турмуш-турмушининг барча томонлари, жиҳатларини қамраб олмагандир, балки бунга интилмагандир. Бунга ўз олдига мақсад қилиб қўймагандир. Чунки мустақил миллий давлатимизнинг ҳаёти, борлиги шунчалар серқирраки, уни ҳар қанча уринганда ҳам бутун тўлалиги, мураккаблиги билан қамраб олиш қийин. Лекин бир нарса кундай равшан. Олий ҳокимиятимиз мамлакат ва унинг фуқаролари ҳаёти, меҳнати, фаровонлиги, бугуни ва эртанги бахт-саодатининг ҳуқуқий, низомий асосларини яратди. Мустақамлади. Оёққа қўйди. Қаддини кўтарди. Суя, ҳаво, кун, нон каби ҳар дам, ҳар соғияда ҳаёт учун зарурдан-зарур қонунлар, ҳужжатлар дунёга келди.

Хулосалар айниқса, Президент Ислам Каримов чиқишларида, депутатларнинг сўзларида аниқ, ёрқин ифодасини топди.

Бу чиқишлар, бу сўзлар бир жиҳатдан хайрлашув чиқишлари, сўзлари эди. Бошқа бир жиҳатдан уларда кейинги йиллар ичида амалга оширилган, тарихий, ижтимоий, иқтисодий мазмун касб этган барча катта-кичик ишларнинг давомийлиги гўзал бир тарзда ақс этарди. Асортлардан қутулган ва барча олийжаноб янгиларга бағрини, кўксини кенг очган халқ ютади. «Бутун маърифий жаҳон қандай яшаётган бўлса, биз ҳам шундай яшашга интилдик», дейди Президент Ислам Каримов. Маърифий жаҳон билан туташуви, маърифий жаҳон каби яшаш осон эмас, осон бўлмади, бундан кейин ҳам осон бўлмади. Бу сўзлар ҳаётимизнинг мазмун-моҳияти, жуда муҳим қиррасини ақс эттиради. Ҳозир мамлакатимизга ишонч ҳосил қиласиз. Худди шу улғу ҳаёт-бахш ҳодисанинг далиллари дуч келасиз. Бунга аjoyиб инсон Шакаржон Ҳужиниёзова жуда маънодор қилиб ифодалади... Ҳаётга ҳамоҳанг қонунлар яратилди ва бугун халқимиз қайта тугилди. Ана шу ҳамоҳанглик ана шу қайта тугилиш олий

ҳокимиятимиз, Президентимиз, ҳукумат ва бутун жамият ушбу тарихий даврда юритган фаолиятнинг ҳулосаси эмасми!

Ҳаётга ҳамоҳанглик!.. Қонунларимизнинг меҳнаткаш, ишчи, зиёли қудрати мана шу ҳамоҳангликда.

Қонунларимиз нусха кўчириш эмас, — дейди Президент Ислам Каримов. Улар ўзига хос ҳаётимизни ақс эттиради. Улар табиатимиз, қарашларимиздан келиб чиқадиган миллий қонунлар.

Уларни халқимизнинг маърифий-ҳуқуқий мулкига айлантиришда кўп ташаббускор, ўз ишининг билимдори бўлган одамлар тер тўқдилар. Шу билан бирга яна биз катта, ҳеч қачон инкор қилиб, кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, уни ҳуқуқшунос Ақмал Саидов шундай деб ифодалади: қонун ижодкорлигининг ўзбекча йўли яратилди. Бу ҳодиса ер юзиде бошқа бирон парламентада учрамайди. Қонунлар ташаббускори — Президент бўлди. Ўзбекистон қонунларига у асос солди.

Бу сўзларни барча халқ нойиблари чин дилдан олқишладилар, бу сўзларга бутун эл қўшилади. Уларни дилдан тасдиқлайди.

Бизнинг давримизнинг ҳикмати нима?

Шу асос солиш, ҳамоҳанглик, қайта тугилиш, биз яшаётган, бизнинг кўксимиздан чиқаётган ҳаётнинг асл, янги ҳикматлари эмасми!

Ҳа, улар асл ҳикматлар! Бизнинг ҳикматларимиз!

Парламентнинг инсонни гурур ва ифтихор билан тўлдирадиган ҳикматли залида ўтирар, Президент ва депутатларнинг чиқишларини тинглар эканман, ҳаёлим ва фикримда: инсон эътибор топди. Ўзбек эътибор топди. Қонунлар эътибор топди! — деган сўзлар тинмай такрорланди. Демак янги мамлакат дунёда эътибор топди. Эътибор топиш — дунёга чиқиш, у билан ҳамкорлик дегани бўлади. Дунёга қуруқ қўл билан эмас, сўзимиз, ишимиз, яшашният-мақсадларимиз, ҳолис интилишларимиз, ҳолис сиёсатимиз билан чиқдик. Бунга бизни тирилган қадим маданиятимиз ундади. У бизга йўлдош бўлди. Аждодлар руҳи шод бўлиб интеллектимизни уйғотди ва намоен қилди.


Олий Мажлис анжуманида айтилган барча сўзларда хайрлашув оҳанги бор эди. Лекин бу оҳанг олдинда янги ва янги учрашувларга янги ва янги ишларга чорлади.

Хайрлашувларда бўладиган ўзига хос маюслиқнинг замирида янги ҳаёт муждалари янграб турарди.

Муҳаббат янгиланарди...

Иброҳим ҒАҒУРОВ

ИСТИҚЛОЛ: 8-ДОВОН



— Невара-чевараларимиз шу обод юртда байрамлар, шу обод уйларда тўю томошалар қилиб мурод-мақсадларига йўлдош яшасинлар.

Илоё, юртни обод этаётганларга бизнинг ёшимизни берсин. Ўлимизнинг кўрар қунлари фақат яхши кунлар бўлаверсин. Муродимизни берган ўзига шукр. Шу озодлик, тинч-омонлик ҳамиша эл билан бирга бўлсин, — дейди ангрелик юз ёшли онахон Хилба Ўринбоева.



БАҲРАМАНД БЎЛСАК ДЕЙМИЗ

«Миллий тиклавиш» газетаси таҳририятига!

Биз, бир гуруҳ Андижон вилоят очик турдаги «Матлуботсавдо» акционерлик компанияси аъзолари Президентимиз Ислам Каримовнинг халқимизнинг маънавияти ва маърифатини янада юксалтириш борасида олиб бораётган катта ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзимизга маъқул бўлган Миллий тиклавиш демократик партиясининг шу номдаги газетасига обуна бўлдик. Бундан мақсадимиз унда эълон қилинган кенг қамровли, сермазун, мақолалар билан танишиб, ундан илҳом олиб ҳаётимизнинг ҳақиқатини баҳраманд этишдир. Бунинг учун биз газета билан танишиб бўлгач, уни оммавий кутубхоналарга топширмоқчимиз.

Умаржон ТўЛАНОВ,
компания бошқаруви раисининг
биринчи ўринбосари,
Тоҳиржон АЗИМОВ,
компания бошқаруви раисининг
ўринбосари,
Дилшодбек МАДУМАРОВ,
Андижон туман бўлими раиси,
Раҳматилла АЗИМОВ,
Чинобод туман бўлими раиси,
Авазбек ЖЎРАЕВ,
Булоқбоси туман бўлими раиси,
Шахзода МАМАТКУЛОВА,
Ёрқинжол бўлими раиси,
Маҳмуджон ЮСУПОВ,
компания савдо бўлими бошлиғи,
Ортиқали НЕЪМАТОВ,
компания қишлоқ хўжалик
маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта
ишлаш корхонаси бошлиғи,
Маҳаммаджон РАҲМОНОВ,
Андижон тумани савдо ишлаб
чиқариш компанияси раиси

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Айрим мулоҳазалар

Миллий мафкура — ҳар бир жамиятнинг мафкуралирини сиёсий даражада ифодаловчи, жамиятни шу мафкуралар учун қурашга йўналтирувчи, уюштирувчи ғоялар системасидир. Жамият мафкуралири турли даражада ва шаклларда намоен бўлади. Жамиятнинг асосий сиёсий мафкуралири жамлашига шу жамиятнинг ташкил этувчи давлатнинг мустақиллиги (суверенлиги), унинг иқтисодий жиҳатдан таъминланганлиги ва истиқболга эгалиги, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, инновацион жиҳатдан ҳимояланганлиги, жамиятнинг ичиде эса фуқаролараро, миллатлараро барқарорликнинг таъминланганлиги ва бошқалар қиради. Буларнинг барчаси шу жамиятнинг ташкил этган инсонларга, уларнинг онги, ақл-идроки ва ижодкорлигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритган, унинг асосий мафкуравий йўли шу мустақиллигини мустақамлаш ва янада кенгайтиришдан иборат бўлди. Бу йўлнинг ўзига хос жиҳатлари қўйилганлигидан иборатдир:

Биринчидан, тоталитар тузум шариоитида сон-саноксиз бир-бирига «қарамлик» иллари билан чамбарчас боғлаб қўйилган бир шариоитда мустақиллигини таъминлаш ўта мураккаб ва машаққатли вазифа эди. Илгари қарамлик занжирлари эвазига республикамизга озиқ-овқат, ҳомаёш, ишлаб чиқариш бўмлари, қундалик эҳтиёж молали, алоқа ва транспорт воситалари, ҳуллас, юртимизнинг бутун ҳаётини фаолиятини

таъминловчи нарсаларнинг келиб туриши таъминланган эди. Бу қарамлик занжирларидан қутулиш учун ўша ҳаётини эҳтиёжларини қондириш воситаларини ўзимизда ташкил этишимиз керак бўлиб қолди, яъни ўз миллий иқтисодиётимизни ўзимиз юргизишимизга зарурият туғилди. Бу ишни бирданига революцион, яъни кескин портлаш йўли билан амалга ошириш мумкин эмас эди. Бундай йўл — бахтсизликлар, йўқотишлар, қон тўкишлар, айроқатлар, қўриқлар, ҳалокатлар йўлидир. Республикаимиз раҳбарияти шундай шариоитда нисбатан оптимал ва содда йўлни — эволюцион тараққиёт йўлини танлади. Бу йўл «янғисини бунёд қилмаслик, дан туриб, эскисини бузмаслик», халқнинг тинчлиги ва оқилолтигини сақлаш, меҳнаткашларни қашшоқлаштирмаслик, жамиятда ички барқарорлиқни таъминлаш ва ташқи давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришдан иборат оқилона йўл эди. Бу борада ҳам республикамиз ҳукумати, Президентимиз раҳбарлигида барча соҳаларда мутаносиблик ва барқарорлиқни сақлашга доимо ҳушёрлик билан бош-қош бўлиб турибди.

Иккинчидан, мамлакатнинг раънақи ҳам, инкирози ҳам шу жойда истикомат қилувчи халқнинг салоҳиятига боғлиқ. Унинг тафаккур тарзи, ҳунармандлиги, инсонийлиги, тадбиркорлиги жамият тараққиётининг муваффақиятини таъминлайди. Шундай экан, бунёдкорлик ишларида энг

аввало халққа таяниш, унга нима-лар кўпроқ мос келиши, нима-лар унинг табиатига эид эканлигини яхши ҳисоб-китоб қилиш лозим эди. Зарур бўлганда эса, халқдаги ҳали рўёбга чиқмай яшириниб ётган ички наслий қувватларини ҳам юзага чиқаришга шариоит яратиб керак бўларди. Бунинг учун тарихий хотирани уйғотиш, маънавиятни юксалтириш, халқнинг ўзлигини англашига кенг йўл очишга тўғри келди. Бу республикамизда маънавиятни юксалтириш йўли деб аталди.

Ҳақиқатдан ҳам, бизнинг ота-болаларимиз ўта салоҳиятли, иқтидорли, донишманд кишилар бўлишган-ку, улар бутун дунёга эзгуликдан, илм-маърифатдан, дину диёнатдан маъно бериб келишган-ку? Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Ясавий, Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Самарқандий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий ва бошқалар қонида қайнаган салоҳият, иқтидор наслий генлари наҳотки бугунги замондошларимиз қониға ўтганми? Мухтарам Президентимиз «Ўзбекистоннинг келажига буюк!» деган шioriни илгари сурганларида айнаш шу нарсани, яъни авлод-аждодлари буюк бўлган бизнинг халқимизнинг томирларида ўша аждодларимизнинг буюк наслий белгилари ташувчи қонлар жўш уриб турар экан, бундай халқнинг келажига ҳам буюк бўлиши лозим, деган ҳикматни назарда тутганлар. Бу қонлар жўш ўриши учун халқнинг маънавиятини жонлантириш, тарихий хотирани уйғотиш ва шу асосда халқнинг ўзлигини англашига йўл очиб энг долзарб вазифадир.

Давоми иккинчи бетда

Кўнгул тарбияси

ЭНГ ЯХШИ КУНЛАР ОЛДИНДА

Сиз аёл бўлиб ярадингиз. Гўзалсиз, дилбарсиз, лаҳзада минг мўҳиза таратиб турасиз. Меҳри сўзларини, меҳри кўнгуллари сўзсиз. Лекин меҳр аслида ўзингиз. Меҳрининг буй-баста сизда намоен қаби... Шодиманг, мени бироз тинглаб кўринг.

Бир таниш аёл беш фарзандни бўлди ҳамки, эридан шикости тинчмайди. У эрини олдин ишда ҳисмат қилишни билди, маоши эъзори қудаларига кўнгли қаноат тутмайди, ҳали қўнсининг диван-креслосини, ҳали дўғасининг қўнматбаҳо тақин-қорларини орзулаб ёш боладди қараша қилади.

Яна бир аёл эрининг устидан ишонасига арз қилиб қарчамади. Буксини гўр тузатади деганларидек, эри ҳам сира ўнганмади. Оқир-оқибат аёлнинг ортиригани шу бўлдики, алоқо ноёб отанинг фарзанди, шаллақи онанинг қизи дая уларнинг йўлғира бешини қоралаётган қизини... совчи сўраб келмади.

Аслида турмуш ўртинингича қанча ёмонласангиз, шунча ёмонлашиб бораверадиган. Эзгуликни эзгуликдан мурод қилсангиз бўлмай. Дардингизни бедавога айтсангиз, си-

рингиз кўнға чиқади, ҳолис, қўнсингизга ёзгирсангиз, эл тилида айтганда, ёмон эрингизни олиб яхши эрини бериб қўймайди ҳеч вақт. Лекин сиз уларни «Яхши, яхшилар» деб бораверсангиз, ўнганлиб қолиши эҳтимол, бир нима ўтмайди уй йўқ дейсизми? Хар қим ўзидан ўтганини ўзи билмади.

Таниш оғиздор хар вақт фарзандларига отасининг номидан сўзга-саломлар қилади. Икки танишнинг бирини уларни мақтайди. Ҳаддан зиёд ҳурмат қилади, ҳурмат уйғотди, бу билан ота-она-фарзанд уйғунлигини яратди, оила иморатини беэади, меҳр нуруларига қўнғайди.

Маошнинг вақтида ололмай ишдан қўнсиниб қўнлари бўш қириб келган эрингизни синикиб эмас, қўнлиб қарши олинг. Унга шунинг ўзи етади. Бақириб-қақириб қойинманг. Бари бефойда. Узингизни ҳам уни ҳам ҳуноб қилманг! Энг яхши кўнларингиз ҳали олдинда. Ишонаверинг.

Васила ТУРДИБОВЕВА

Наманган вилояти



Суратда: Наманган тумани маркази — Тошбулоқ шаҳарчаси.

ТИЛ ВА ЖАВҒСИЗЛИК

Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз

Хар бир миллатнинг тили, аҳолининг маънавийликнинг намоен этади. Чунки, миллий тил ўша халқнинг тарихини, урф-одат ва анъаналарини, ўзининг маданий меросини намоен этиб, аждодларини авлодлар билан боғловчи энг муҳим восита ҳисобланади. Уни йўқотиш эса халқнинг ўз ўтмишидан, тарихидан айрилишига олиб келади. Фикримизнинг исботи сифатида Николло Маккиавеллининг «Давлатпаноҳ» асарини кўрадикан бўлсак, қуйидаги сатрларни ўқиймиз мумкин: «Босиб олинган халқларни мустақамлақчилик асоратига солиш учун унинг тили,

маданияти, урф-одати ва тилидан айририш лозим. Шундангина бу халқ ўз ишонини йўқотди, тобе бўлишига мойиллик билдиради». Юртимиз сиёсий мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг уни мустақамлашга қаратилган қатор хайрли тадбирлар амалга оширилди. Сиёсий мустақиллик иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий, ҳарбий соҳаларда фаолият олиб боришга замин яратиб берди. Бундай улғу ишлардан бири — она тилимизнинг давлат тили макомини олиши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилиши бўлди.

Миллий тил — миллатлар ва халқларнинг ўз та-

рихларидаги муайян ижтимоий ва маданий таърибларни эғаллаш воситаси бўлиб хизмат қилади, уларни авлоддан-авлодга сақлайди, ижтимоий муносабатларга сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, миллат вакилларининг табиати ва фазилати, кези келганда, иллатининг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

Шу боис, миллий тил — миллий мафкуралирини асосий таркибий қисми сифатида Давлат механизмининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб, шаклланиб келаётган долзарб, устувор масалалар сирасига қиради. Чунки, бу ҳол бевосита миллий ҳавфсизлик масаласи билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, иқтисодий, ижтимоий жаҳа-

лардан, аҳолининг турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг миллий мафкуралирини белгилашда ва уларга эришиш учун олиб бориладиган фаолиятини янада тезроқ шаклланишида муҳим урин тутди. Миллий мафкура халқнинг ўзини жаҳон ҳамжамиятида мустақил маданий-тарихий ижтимоий бирлик сифатида сақлаиб қолишида, жаҳондаги ресурслар тақсимотида ўз миллий-маданий қадриятлари борабарада иштирок эта олишида белгиланади. Мафкуралардан келиб чиққан ҳолда давлат сиёсатини амалга оширувчи сиёсий институтлар олдиға маълум мақсадлар ва аниқ йўналишлар

қўйилади. Улар қанчалик ҳақиқатга яқин бўлса, эришиш, неча йиллик дастур бўлишидан катъий назар, осон кечади. Мазкур мақсад ва йўналишлар маълум дастурларда айна миллий тилда халқ кўнглига етиб борадиган тарзда ифода этилиши керак. Хар бир сиёсат миллий мафкуралирини таъминлашга қаратилган бўлиши шарт, ақс ҳолда хар қанча дабдабалик бўлмасин, қўнган натижа-ларини бермайди. Демак, миллий тилга эътибосизлик миллий ҳавфсизлигимизга рахна сифатида баҳоланиши лозим.

Давоми иккинчи бетда

